

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ



“ИЛМ МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ” ГА
БАҒИШЛАНГАН
ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ
77-ИЛМИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

30 май, 2020 йил
Тошкент, Ўзбекистон

**"ХИНД ЖЕНЬШЕНИНИНГ ҚУРУҚ ЭКСТРАКТИНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ"**

**"ИЗУЧЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ СУХОГО
ЭКСТРАКТА ИНДИЙСКОГО ЖЕНЬШЕНЯ"**

Д.Ш,Таджибаева¹, Ф.Х.Мақсудова²

1. Тошкент фармацевтика институти «Дори турлари технологияси» кафедраси
1-курс магистратура талабаси dilafuz.tadzhibayeva@mail.ru
2. Тошкент фармацевтика институти «Дори турлари технологияси» кафедраси
доценти ф.ф.д.

Калит сўзлари: капсула, адаптоген таъсир, хинд женьшени куруқ экстракт, технологик хосс алар.

Аннотация. Хинд женьшенининг қаттиқ дори шакллари яратиш мақсадида унинг технологик хоссалари ўрганилди. Олинган натижаларга асосан ушбу куруқ экстракт салбий технологик кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Яъни, хинд женьшенини сақлаган қаттиқ дори турларини яратишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш керак.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика соҳасида куплаб янгиликлар қилинмоқда, янги корхоналар ишга тушурилмоқда, янги дори турлари яратилмоқда. Бунда асосий йўналишлардан бири – ўсимликлардан олинган ажратмалар асосида самарали дори воситаларни яратишдир. Бундай субстанцияларга хинд женьшени кирази. Маълумки женьшень адаптоген моддалар гуруҳига кириб, инсон саломатлигини тиклашда катта аҳамиятга эга [1,2,3].

Тадқиқот мақсади. Ушбу куруқ экстракт асосида қаттиқ дори турини яратиш мақсадида унинг технологик хоссалари аниқлаш ишнинг мақсади этиб белгиланди. Фракцион таркиб, сочилувчанлик, сочилма зичлик, табиий оғиш бурчаги, прессланувчанлик, қолдиқ намлик каби технологик кўрсаткичлар меъёрий ҳужжатларда келтирилган усуллар орқали аниқланди.

Тадқиқот натижалари: Олинган натижалар жадвалда келтирилган.

Жадвал

Хинд женьшени курук экстрактивнинг технологик кўрсаткичлари

Аниқланган кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Олинган натижалар
Фракцион таркиб:	%	
-1000мкм +500мкм		5,42
-500мкм +250мкм		8,19
-250мкм +160 мкм		53,71
-160 мкм		32,68
Сочилувчанлик	10^{-3} кг/с	0,932
Сочилувчан зичлик	г/см ³	0,240
Табий оғиш бурчаги	градус	71,0
Прессланувчанлик	Н	42,0
Қолдиқ намлик	%	7,6

Жадвалда келтирилган натижаларга асосан таҳлил қилинаётган курук экстракт полидисперс кукун бўлиб, асосан майда заррачалардан иборат. Унинг 80% дан ошиқ микдори -250 мкм дан кичик бўлган фракцияга тўғри келмоқда. Сочилувчанлик каби кўрсаткич $0,932 \cdot 10^{-3}$ кг/с тенг бўлиб, салбий натижаларни кўрсатди. Сочилувчан зичлик ($0,240$ г/см³), табий оғиш бурчаги (71 градус), прессланувчанлик (42 Н) каби кўрсаткичлар ҳам ижобий бўлмади. Барча курук экстрактлар каби хинд женьшени экстракти юқори қолдиқ намликка (7,6%) эгаллиги исботланди.

Хулосалар: Хинд женьшени курук экстрактивнинг технологик хоссалари ижобий бўлмади, демак ушбу субстанциядан қаттиқ дори турларини ишлаб чиқишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Женьшень обыкновенный - Panax Ginseng : научное издание //Медицинская консультация. - М., 2004. - №4. - С.33.

2. Умарова Г. К. Анализ ассортимента адаптогенных и общестимулирующих лекарственных средств в Республике Узбекистан // Фармацевтический журнал. - 2015. - №4. - С. 4-10.
3. Арушанян Э.Б. Препараты корня женьшеня и других растительных адаптогенов как ноотропные средства: обзор // Экспериментальная и клиническая фармакология. - 2008. - №6. - С. 58-66.

**БЎЙМОДАРОН НАСТОЙКАСИ АСОСИДА ОЛИНГАН
КОСМЕТОЛОГИК КРЕМНИНГ БИОФАРМАЦЕВТИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ IN VITRO УСУЛИДА АНИҚЛАШ**

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ IN VITRO БИОФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОСМЕТИЧЕСКОГО КРЕМА, ПОЛУЧЕННОГО
НА ОСНОВЕ НАСТОЙКИ ТЫСЯЧИЛИСТНИКА**

¹Каримов С., ²Раджапова Н.Ш.

1. Тошкент фармацевтика институти фармация факультети 5 курс талабаси.
2. Тошкент фармацевтика институти «Дори турлари технологияси» кафедраси катта ўқитувчиси. nozima.radjapova76@gmail.com

Калит сўзлар: тубулғибаргли бўймодарон, эмульсион суртма, эмульсион суртма асослари, биофармация.

Аннотация

Бўймодарон ўсимлиги асрлар давомида халқ табобатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Бугунги кунда унинг асосида тайёрланган дори препаратлари, косметик ва парфюмер воситалардан ҳам самарали фойдаланилмоқда

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тубулғибаргли бўймодарон кенг тарқалган ва бугунги кунда ушбу ўсимлик дори воситалар яратиш учун манба сифатида тавсия этилган [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тубулғибаргли бўймодарондан олинган настойка асосида косметик крем технологиясини ишлаб чиқилди ва сифат кўрсаткичлари аниқланди. [1,2].